# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**45-сон (1117) 2023 йил ноябрь**


***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА


*Биринчи бўлим*

454. «Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 9 ноябрдаги ЎРҚ–877-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

455. «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ–193-сон Фармони

456. «Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 ноябрдаги ПҚ–357-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

457. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 октябрдаги 32-ҚҚ-сон, Олий судининг 2023 йил 26 сентябрдаги 750-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2023 йил 7 октябрдаги 13-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 25 сентябрдаги 41-сон, Миллий гвардиясининг 2023 йил 26 сентябрдаги 23-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 7 октябрдаги 78-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3473)*

458. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 13 октябрдаги 40-сон «Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг миқдори ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтка-зилди, рўйхат рақами 3474)*

459. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi 26-son «Daryo transportini texnik ishlatish qoidalari, shuningdek unga o'zgartirish va qo'shimchalarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida»gi buyrug'i *(O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 10-noyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 990-7)*

460. O'zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi 27-son «Daryo transportida yuk tashish qoidalarini tasdiqlash to'g'risida»gi buyruq, shuningdek, unga o'zgartirishni o'z kuchini yo'qotgan deb topish haqida»gi buyrug'i *(O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 10-noyabr ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2468-2)*

461. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директорининг 2023 йил 9 октябрдаги 39-мб-сон «Статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3475)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 454 Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 6 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 24 августда маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**биологик ҳимоя воситалари** — ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг зарарли организмларига қарши курашиш учун қўлланиладиган фойдали организмлар ёки уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари;

**зарарли организмлар** — ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг ёхуд касаллик қўзғатувчи агентларнинг ўсимликларга ёки ўсимлик маҳсулотларига зарар етказувчи ҳар қандай тури, хили ёки биотипи;

**кимёлаштириш воситалари** — ўсимликларнинг ривожланишини, пишиб етилишини тезлаштириш, ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш, шунингдек тупроқ унумдорлигини яхшилаш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар;

**минерал ўғитлар** — тайёрланган ёки қазиб олинган, таркибида минерал шаклидаги озиқлантирувчи моддалар мавжуд бўлган ўғитлар;

**пестицидлар** — зарарли организмларга қарши курашиш учун қўлланиладиган моддалар;

---

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 ноябрда эълон қилинган.

**фитосанитария тадбирлари** — зарарли организмлар томонидан етказиладиган иқтисодий зарар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш** — зарарли организмларга қарши курашишга қаратилган тадбирлар мажмуи;

**ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари** — ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар ва биологик ҳимоя воситалари.

### 4-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсон соғлиғи ва атроф-муҳит хавфсизлигининг устуворлиги;

тизимлилик ва узлуксизлик;

биологик усулни қўллаш устуворлиги;

очиқлик ва шаффофлик.

## 2-боб. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви

### 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш, уларни рўйхатга олиш ҳамда ишлаб чиқариш, минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатномалар бериш, минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини тасдиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги умумий техник регламентларни тасдиқлайди;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятига эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, янги техникани ва технологик жараёнларни ҳамда қишлоқ хўжалигида уларнинг қўлланилиш усулларини яратишга, синашга ва жорий этишга доир илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ҳамда лойиҳалаштириш ишларини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида мутахассислар тайёрланишини, қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда иштирок этади;

қишлоқ хўжалигининг кимёвий ва биологик ҳимоя воситаларига, фавқулодда вазиятлар ҳолатида кимёвий воситаларнинг захираларини шакллантиришга бўлган эҳтиёжини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

зарарли организмларга қарши курашишнинг интеграциялашган тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа мамлакатлардан зарарли организмлар кириб келиши хавфининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш чораларини кўради;

кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари бўйича техник регламентларни ишлаб чиқади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари-

ни рўйхатга олиш учун синовлар ўтказиш, рўйхатга олиш, илмий тадқиқотлар учун олиб киришга рухсат беради;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишни амалга оширади ҳамда кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беради;

минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия беради;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатнома беради;

Ўсимликлар зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашишнинг қўллаш учун рухсат этилган кимёвий ҳамда биологик воситалари, дефолиантлар ва ўсимликлар ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юритади ҳамда эълон қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилиши тақиқланган ёки чекланган фаол ва нофаол ингредиентларини аниқлайди, Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилиши тақиқланган ёки чекланган фаол ва нофаол ингредиентлари реестрини юритади ҳамда назорат қилади;

республика ижро этувчи ҳокимият органларининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш, техник регламентларга риоя этиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифатини назорат қилади, улардан фойдаланиш тўғрисида хулосалар беради, инсон соғлиғига ва атроф-муҳитга зарарли таъсири аниқланган тақдирда уларнинг қўлланилишини тақиқлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар тайёрланишини, қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини ташкил этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллашга доир услубий кўрсатмаларни, тавсияномаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида учрайдиган карантин аҳамиятига эга бўлмаган зарарли организмлар рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳисобга олиш, олиб кириш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, зарарсизлантириш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш чоғида нормалар, қоидалар ва нормативларга риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга оширади;

токсикологик-гигиеник жиҳатдан баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этади ва ўтказади, пестицидларнинг озиқ-овқат маҳсулотларидаги, ишлаб чиқариш объектларидаги ва атроф-муҳит объектларидаги гигиеник нормативлари ҳамда регламентларини ишлаб чиқади;

пестицидларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги ва бошқа ўсимлик маҳсулотидаги қолдиқ миқдорини давлат токсикологик экспертизасидан ўтказади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат санитария-гигиена экспертизасини ўтказади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлайдиган шахсларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўриклари ўтказилишини, шунингдек пестицидлардан заҳарланган беморларга ташхис қўйилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги:

рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолашни амалга оширади;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат экологик экспертизасини ўтказади;

яроқсиз ҳолга келган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини кўмиб ташлаш жараёнида иштирок этади;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилиш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа токсик моддалар сақланаётган ёки кўмиб ташланган махсус объектлар фаолиятини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда, яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантириш ишларини ташкил этади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг зарарли организмларга қарши курашишга қаратилган фитосанитария тадбирларини амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг захираларини шакллантиради;

зарарли организмларга, шу жумладан зарар келтирадиган чигирткага қарши курашиш бўйича дастурларни тасдиқлайди;

ўсимликларга зарар етказиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантиради ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назорати

### 11-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан давлат назоратини махсус ваколатли давлат органи амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қуйидагилар устидан давлат назоратини амалга оширади:

ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатномани, минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни олиш тартибига риоя этилиши;

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш чоғида кўрикдан ўтказиш, уларни сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ва йўқ қилиш тартибига риоя этилиши;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига риоя этилиши;

биологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига ва уларда етиштириладиган биологик маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига доир талабларга риоя этилиши.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш, реализация қилиш, қўллаш, ташиш, муомаладан чиқариш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш чоғида санитария ва экология талабларига риоя этилишини текшириш давлат санитария назорати ҳамда экологик назорат доирасида амалга оширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 12-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига қонунчиликда белгиланган тартибда кириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишлари аниқланган тақдирда, кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари мавжуд бўлган юкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишини тақиқлаш;

божхона органларидан, темир йўл станцияларининг, автовокзалларнинг (автостанцияларнинг), аэропортларнинг ва бошқа ташкилотларнинг маъмуриятларидан олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқилаётган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни сўраб олиш;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига мувофиқ ҳужжатларни талаб қилиш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ижро этилиши шарт бўлган кўрсатмалар киритиш;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқлигини аниқлаш мақсадида улардан лаборатория текширувлари ҳамда тегишли экспертиза учун намуналар олиш;

зарарли организмлар ривожланиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида фитосанитария мониторинги ҳамда прогнозини, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**13-модда. Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари**

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари:

минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш чоғида минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб киришга доир рухсатнома мавжудлигини текшириши ҳамда уларнинг мазкур рухсатномага мувофиқлигини баҳолашни амалга ошириши;

биологик ҳимоя воситаларини олиб кириш ва олиб чиқиш чоғида уларнинг фитосанитария сертификатига, карантин рухсатномасига мувофиқлигини баҳолашни амалга ошириши;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг лаборатория текширувлари ўтказилишини ташкил этиши;

зарур бўлганда биологик ҳимоя воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатларни сўраб олиши ва уларга баҳо бериши;

биологик ҳимоя воситаларининг самарадорлиги мониторингини ўтказиши;

ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишга доир тадбирларни белгилаши шарт.

Ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 4-боб. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 14-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

махсус ваколатли давлат органидан зарарли организмларни аниқлаш мақсадида фитосанитария мониторинги ва назорат текширувлари ўтказилишини талаб қилиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисида аризалар бериш ҳамда кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

зарарли организмларга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни рад этиш ҳақидаги, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақидаги ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

тегишли давлат органларидан ўсимликларни ҳимоя қилишга тааллуқли маълумотларни ва ахборотни олиш;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 15-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш қоидаларига риоя этиши;

синовларни ўтказувчи ташкилотлар томонидан рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш мақсадида кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари намуналарининг ҳамда техник ҳужжатларининг, таққослаш учун эталонларнинг ва таъсир этувчи моддалар таҳлилий стандартларининг зарур бўлган миқдорини тақдим этиши;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги техник регламентларда кўрсатилган хавфсизлик талабларига риоя этиши;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантириши ҳамда уларни махсус омборхоналарда ёки махсус хоналарда тегишли равишда сақлаши;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларини бажариши;

сертификатлаштирилган биологик ҳимоя воситаларини қўллаши;

фитосанитария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши;

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиб кириш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш ҳамда қўллашнинг қонунчиликда белгиланган тартибига ва қоидаларига риоя этиши, шунингдек ўсимликларнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва бошқа ўсимлик маҳсулотининг ҳамда атроф-муҳитнинг ушбу воситалар билан ифлослантирилишига йўл қўймаслиги шарт.

Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## 5-боб. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳамда улар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга оширишга доир талаблар

### 16-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ёки бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхатга олиниши лозим.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилган синовлар натижалари асосида амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари беш йил муддатга рўйхатга олинади.

Рўйхатга олинмаган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш, олиб кириш, реализация қилиш ҳамда қўллаш тақиқланади, бундан ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш ҳоллари мустасно.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситала-

рини рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

**17-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш самарадорлигини аниқлашни;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига салбий таъсири хавфини баҳолашни ҳамда санитария нормалари ва қоидаларини, гигиена нормативларини ишлаб чиқишни;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қўлланилишига экологик жиҳатдан баҳо беришни.

Махсус ваколатли давлат органи ариза берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан биргаликда ўрганишни амалга оширади.

Ўрганиш натижаларига кўра, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш режаси тасдиқланади ёки синовларни ўтказиш рад этилади.

Махсус ваколатли давлат органи Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказувчи ташкилотлар рўйхатини тасдиқлайди.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовлар кимёлаштириш воситаларининг ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг биологик самарадорлигини, токсикологик-гигиеник хоссаларини ва экологик хоссаларини аниқлаш учун, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда тасдиқланган режаларга мувофиқ ўтказилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишга доир ариза берган республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар синовларни ўтказиш учун кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг зарур миқдордаги намуналарини, техник ҳужжатларни, таққослаш учун эталонларни, таъсир этувчи моддаларнинг таҳлилий стандартларини тақдим этиши шарт.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказиш муддати икки йилдан ошмаслиги керак.

**18-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулоса**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларни ўтказган ташкилотлар тегишли хулосани ёки илмий ҳисоботни тайёрлайди ҳамда уни махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Махсус ваколатли давлат органи хулосаларга ва илмий ҳисоботларга асосан якуний хулоса тайёрлайди ҳамда уларнинг натижаларига кўра кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳақида ёхуд рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Махсус ваколатли давлат органи кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижаларини таҳлил қилади ҳамда баҳолашни амалга оширади.

Синовларни ўтказган ташкилотлар ёки улардан бири синовлар якунлари бўйича салбий хулоса чиқарган тақдирда, кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш рад этилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулосани тайёрлаш муддати олти ойдан ошмаслиги керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун ариза берган шахслар, шунингдек ушбу воситаларни ишлаб чиқарувчилар кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулосани тайёрлашда иштирок этишга ҳақли эмас.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун синовларнинг натижалари тўғрисидаги хулоса устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**19-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш**

Махсус ваколатли давлат органининг кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ҳақидаги қарори кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш учун асос бўлади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**20-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситала-

рини қайта рўйхатга олиш қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан тегишли аризага асосан амалга оширилади.

**21-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

қўлланилаётган кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг таркибида бошқа аралашмалар мавжуд бўлганда ёки уларнинг таркиби рўйхатга олинган таркибдан фарқ қилганда;

рўйхатга олинган кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қўлланилганда инсон соғлиғига, атроф-муҳитга ёки биологик ҳимоя воситаларига зарар етказилиши эҳтимоли тўғрисида илмий жиҳатдан тасдиқланган янги маълумотлар мавжуд бўлганда;

рўйхатга олинган кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг номақбул хоссалари, биологик самарадорлиги паст эканлиги аниқланганда.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши махсус ваколатли давлат органи томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг хулосасига асосан тугатилади.

**22-модда. Рўйхатга олинмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллаш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича шошилинч чоралар кўрилишини талаб қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, рўйхатдан ўтказилмаган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини бир йилгача бўлган муддатда тажриба тариқасида қўллашга йўл қўйилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллашга доир рухсатнома махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда, олдиндан белгиланган майдон ёки ҳудуд учун бир вегетация даврига бўлган муддатга берилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллашга доир рухсатномани бериш чоғида махсус ваколатли давлат органи тажриба раҳбарини, шунингдек уни ўтказиш қоидалари ва шартларини белгилайди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тариқасида қўллаш муддати тугаганидан кейин тажриба раҳбари махсус ваколатли давлат орга-

нига тажриба натижалари тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари қолдиқлари, асбоблар ва мосламалар турган жой ҳақидаги ахборотни тақдим этади.

**23-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва тамғалаш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан амалга оширилади, бундан биологик ҳимоя воситалари мустасно.

Биологик ҳимоя воситаларининг сифатини сертификатлаштириш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тамғалаш ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаштириш, сертификатлаштириш ҳамда тамғалаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**24-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқиш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишга, олиб киришга ва олиб чиқишга мувофиқлик сертификати олинганидан ҳамда улар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш тегишли рухсатнома асосида амалга оширилади.

Минерал ўғитларнинг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолият лицензияга асосан амалга оширилади.

**25-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш**

Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари фитосанитария, санитария ҳолати ҳамда экологик ҳолат ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Минерал ўғитлар ўсимликларнинг эҳтиёжи, ерларнинг сифати, шунингдек тупроқ таҳлилига ва бошқа таҳлилларга асосан аниқланадиган тупроқ унумдорлигининг ҳолатини баҳолаш натижалари ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситала-

рини қўллаш тегишли техник регламентларда кўрсатилган хавфсизлик талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**26-модда. Кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш тўғрисидаги ахборот**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олишга доир ариза берган юридик ҳамда жисмоний шахслар истеъмолчиларни кимёлаштириш воситалари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида уларга кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ва қадоқлаш ҳақидаги ахборотни ҳамда огоҳлантирувчи тамғаси мавжуд бўлган идиш ёрлиғини тақдим этиши шарт.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш чоғида сотувчи (етказиб берувчи) идишнинг ҳар бир бирлигига кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ҳамда қадоқлашга доир тавсияномаларни, шунингдек идиш ёрлиғини жойлаштириши керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш, қўллаш, сақлаш ҳамда қадоқлашга доир тавсияномаларнинг шакли ва уларни тасдиқлашга ҳамда идишнинг ёрлиғига оид талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

**27-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга доир талаблар**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчилар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг норматив ҳужжатларга мувофиқ истеъмолчи ҳамда чакана савдо учун қулай ва хавфсиз бўлган ўровларда ишлаб чиқарилишини;

кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг ўсимлик хом ашёсидаги, доривор хом ашёдаги ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги қолдиқ миқдорининг белгиланган стандартларга мувофиқлигини;

агар реализация қилиш, фойдаланиш, ташиш ҳамда сақлаш чоғида хавфсизлик талабларига риоя этилмаганлиги натижасида кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг самарадорлиги пасайган бўлса, уларнинг реализация қилиниши тугатилишини ва белгиланган тартибда муомаладан чиқарилишини.

Кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг идишлари ва ўровлари учун фойдаланиладиган материаллар инсонни, атроф-муҳитни кимёлаштириш воситаларининг ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг хавфли хоссаларидан ҳимоя қилиш учун махсус

мослаштирилган бўлиши, ушбу воситалар таркибидаги моддаларнинг емирувчи ёки бошқача таъсирига чидамли бўлиши, шунингдек бир-бирига ўзаро таъсир қилмаслиги ва улар билан хавфли оқибатларни келтириб чиқарувчи реакцияга киришмаслиги керак.

Рўйхатга олинмаган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

**28-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини фақат махсус омборхоналарда ёки махсус хоналарда сақлашга йўл қўйилади. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини махсус идишсиз сақлаш тақиқланади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлаш чоғида санитария нормалари ва қоидаларига ҳамда экологик нормативларга риоя этилиши керак.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сақлашга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган умумий техник регламентларда белгиланади.

**29-модда. Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантиришга, утилизация қилишга, кўмиб ташлашга ва йўқ қилишга доир талаблар**

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Яроқсиз ҳолга келган ва (ёки) қўлланилиши тақиқланган кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини зарарсизлантириш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш ҳамда йўқ қилиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсус ваколатли давлат органи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси вакилларининг назорати остида амалга оширилади.

Юридик ҳамда жисмоний шахслар кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда уларнинг идишларини сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш чоғида санитария-гигиена нормаларига, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш талабларига риоя этиши шарт.

**30-модда. Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташишга доир талаблар**

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини инсоннинг соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиш эҳтимолини истисно этган ҳолда, махсус жиҳозланган транспорт воситаларида ташишга йўл қўйилади.

Кимёлаштириш воситаларини ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**31-модда. Экологик хавф эҳтимоли бўлган вазиятлар**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида экологик хавф эҳтимоли бўлган вазиятлар юзага келган тақдирда тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистраллари бўйлаб қонунчиликка мувофиқ алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

**32-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида:

хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ахборот алмашишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш учун мўлжалланган ўсимлик маҳсулотини етиштириш ва қадоқлаш жойларида пестицидларни қўллашга доир мажбурий талабларга риоя этилишини назорат қилади.

**33-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилишга доир фаолиятни молиялаштириш**

Зарарли организмларга қарши курашиш ҳамда фитосанитария хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишга доир фаолият Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Махсус ваколатли давлат органининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат хизматлари, шунингдек зарур ҳужжатларни расмийлаштириш

билан боғлиқ харажатларнинг ўрни тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўзига тегишли ҳудудларда ўсимликларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

**34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**35-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**36-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 116–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 208-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 117–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 209-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **17-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **45-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгар-**

**тишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **118-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–685-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 290-модда) **3-моддаси**.

**37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**38-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 9 ноябрь,
ЎРҚ–877-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 455 Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришни комплекс қўллаб-қувватлашнинг «узлуксиз занжирини» яратиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг янги технология ва инновацияларга асосланган, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўғини бўлган ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш инструментлари етарлича яратилмасдан қолмоқда.

Молия бозорида ресурсларнинг юқори фоиз ставкалари сақланиб қолаётган шароитда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг янгича ва муқобил инструментларини яратишга, хусусан тадбиркорлик лойиҳаларига улуш киритиш ва хизматлар ипотекасини жорий этишга, кафиллик ёрдамини тақдим этишни кенгайтиришга эҳтиёж ортмоқда.

Бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида асосий бўғинлардан бири бўлган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли тадбиркорлик субъектларига етарлича ёрдам кўрсатиш, янги хизмат турларини жорий этиш, халқаро молия институтларидан тўғридан-тўғри маблағ жалб этиш имкониятини бермайди.

Жорий йилнинг 18 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда Жамғарма фаолиятини жаҳон тажрибаси асосида ташкил этиш ва тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш бўйича комплекс тизимни яратиш мақсадида:

1. Жамғарма Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигида «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания) шаклида қайта ташкил қилинсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Компанияни жаҳон тажрибаси асосида трансформация қилиш ишларини давом эттирган ҳолда унинг фаолиятини қуйидагиларга йўналтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ёр-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

дам инструментларини мустақил жорий этиш, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш имкониятини ошириш;

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш;

кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этиш;

ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турларидан келиб чиқиб уларнинг лойиҳаларига молиявий кўмаклашиш;

хизматлар кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштириш соҳасида «яшил» ва энергия тежовчи технологиялар ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенг қўллаб-қувватлаш.

2. Компания томонидан 2024 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилсин:

а) ўрта тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларига:

лойиҳа қийматининг 15 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ташаббускорнинг устав капиталига кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар шаклида улуш киритиш;

кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарнинг 70 фоизи, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда мулк сотиб олиш ва етти йилгача муддатга қарздорлик қолдиғига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада йиллик фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан хизматлар ипотекаси асосида ташаббускорга бериш;

б) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига:

кредит (лизинг) ажратиш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига миллий ва хорижий валютада молиявий ресурсларни жойлаштириш;

тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивларга умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик тақдим этиш;

Компания маблағларидан фойдаланиш бўйича тижорат банклари билан тузиладиган воситачилик шартномаларига асосан белгиланган лимит ҳамда умумий миқдор ва шартлар доирасида кредитлар бўйича кафиллик (портфель кафиллиги) тақдим этиш;

в) 2024 — 2026 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларига Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада 5 миллиард сўмгача

ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставканинг 40 фоизигача миқдорда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация тақдим этиш.

«Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари ва шартлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Компанияга ушбу банднинг «а» кичик бандидаги тадбирларни ташкил этиш учун ўн йил муддатга беш йиллик имтиёзли давр билан жами 1,2 триллион сўм, шу жумладан 2024 йил 1 июлга қадар 600 миллиард сўм ҳамда 2024 йил якунига қадар 600 миллиард сўм миқдорида фоизсиз бюджет ссудаси ажратсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) улуш киритиш ва хизматлар ипотекаси шаклидаги молиявий ёрдамлар Компания томонидан 24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда бир йил давомида камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектлари орасида ўтказиладиган очиқ танлов орқали аниқланадиган лойиҳаларга тақдим этилади;

б) Компания ўзи томонидан ўрта тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига улушдор сифатида киритилган улушни етти йил давомида бозор қийматида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилади;

в) «яхши» ва «аъло» кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига, улар аввал олган кредитлари бўйича кафиллик ёрдамидан фойдаланаётган бўлишидан қатъи назар қўшимча ажратиладиган кредитлар бўйича белгиланган умумий миқдорлар доирасида кафиллик тақдим этилади;

г) Компания томонидан компенсация:

«1+2» тамойили асосида аввал кредит (лизинг)нинг дастлабки йилига тақдим этилади, кейинги икки йил давомида тадбиркорлик субъекти томонидан яратиладиган янги иш ўринлари сони режаси бажарилиши ва реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушум камида ўн беш фоизга ошган тақдирда давом эттирилади;

Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ҳисобига Иқтисодиёт ва молия вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан тўланади ҳамда жамғарма маблағларини бошқариш ҳуқуқи Компанияга берилади.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2023-2024 йилларда Компания устав капиталининг 300 миллиард сўм миқдорида шакллантирилишини таъминласин;

2024-2025 йилларда хизмат кўрсатиш, «яшил» ва энергия самарадор лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига молиявий ресурсларни ажратиш мақсадида Компанияга халқаро молия институтларидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этсин;

Компания билан биргаликда халқаро молия институтлари техник кўмаги

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

асосида 2024 йил 1 майга қадар Компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин;

Компаниянинг ресурс ажратиш ва хизматлар ипотекаси молиявий ёрдамини кўрсатиш имкониятини кенгайтириш ва уни зарур маблағ билан таъминлаш мақсадида Компаниянинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ бюджет ссудасини ажратиб борсин.

Бунда, хизматлар ипотекаси устувор равишда ишлаб чиқариш, туризм, савдо ва сервис, шунингдек, йўл бўйи инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга батафсил режалаштириш ва мастер-режалари мавжуд ҳудудларда тақдим этилади.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва бошқа хусусий инвесторларни Компаниянинг устав капиталида иштирок этишга жалб қилиш;

Компанияга халқаро молия институтлари ва ташкилотларидан қарз маблағларини жалб этиш ҳуқуқини бериш;

Марказий банкка ўз ваколатлари доирасида Компания фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш вазифасини юклаш;

2026 йилдан бошлаб Компанияда бошқарувнинг замонавий тизимлари ва халқаро стандартларни (ISO, SAP) жорий қилиш ва у томонидан етакчи халқаро агентликларнинг кредит рейтинги олинишини таъминлаш орқали маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида акция ва облигациялар чиқариш ҳамда ресурслар жалб қилиш;

2024 — 2027 йилларда босқичма-босқич Компания даромадларини камида 50 фоизга ошириш орқали ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Компания Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва унинг активларини баланс қийматида қабул қилади;

б) Компаниянинг Кузатув кенгашига:

Компания томонидан тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдамларни тақдим этишнинг миқдорлари, параметр ва қоидаларига ўзгартириш киритиш, шу жумладан янги хизмат турларини жорий этиш;

лойиҳаларнинг бизнес-режа ва самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳолларда молиявий ёрдамларни тўхтатиш ваколати берилади;

в) Компанияга Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомга асосан малакали мутахассислардан иборат танлов комиссияси томонидан мустақил равишда:

халқаро юридик, аудиторлик, инвестиция маслаҳатчилари, консалтинг компаниялари, малакали маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда консультантларни жалб этиш;

ахборотлаштириш қурилмалари ва хизматлари ҳамда дастурий таъминотларни етказиб берувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади.

7. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш ва трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 10 ноябрь,
ПФ–193-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги
ПФ–193-сон Фармонига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5742-сон Фармонининг 4-бандида:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6017-сон Фармони 6-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6059-сон Фармонининг 1-бандида:

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «Уюшма» сўзи «Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6074-сон Фармони 6-бандида:

«а» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«б» кичик бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6079-сон Фармонига 15-илованинг 9-позициясида:

«Муддати» устунидаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2024 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ижрочилар» устунидаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги «Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–213-сон Фармони 2-бандининг «б» кичик банди учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги

«Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–287-сон Фармонининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, 2024 йил 1 мартдан бошлаб «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан умумий белгиланган шартлар ва қоидалар доирасида 4 ва 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютада ажратиладиган кредитлари бўйича асосий ставканинг 40 фоизигача миқдорида компенсация тақдим этилади».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармонига 1-иловада:

а) «Жами» позициясида:

«Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунидаги «56 529» рақами «56 498» рақами билан алмаштирилсин;

«Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан» устунидаги «4 950» рақами «4 919» рақами билан алмаштирилсин;

б) «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» позициясида:

«Жами бошқарув штат бирликлари сони» устунидаги «6 238» рақами «6 207» рақами билан алмаштирилсин;

«Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан» устунидаги «54» рақами «23» рақами билан алмаштирилсин;

«Изоҳлар» қисмининг 5.1-бандидан «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги «Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–93-сон Фармони 7-банди «б» кичик бандининг бешинчи хатбошисидаги ҳамда 1-илованинг 3-позицияси «г» кичик бандидаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» сўзлари «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 августдаги «Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–129-сон Фармонида:

3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» сўзлари «2025 йил 1 январга қадар «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрда-

ги «Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–169-сон Фармони 15-бандининг иккинчи хатбошисидаги «бир ҳафта муддатда» сўзлари «2023 йил 1 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3651-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишда давлат шериги сифатида хусусий шерик билан битим тузади ҳамда битим шартлари хусусий шерик томонидан лозим даражада бажарилишини мониторинг қилади»;

б) Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низомда:

2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат шериги — оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича — Мактабгача таълим агентлиги (Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида — Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги), бошқа шаклдаги давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида — Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги)»;

15-банддаги «Вазирлик» сўзи «давлат шериги» сўзи билан алмаштирилсин;

17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Вазирликка» сўзи «давлат шеригига» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги «уч календарь куни мобайнида Вазирлик» сўзлари «уч календарь куни мобайнида давлат шериги» сўзлари билан алмаштирилсин.

118-банднинг биринчи хатбошисидаги «Тегишлилиги бўйича Вазирлик ва Агентлик» сўзлари «Давлат шериги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3782-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3953-сон қарорининг иловасида:

а) 9-банд «ўртасида» сўзидан кейин «қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч минг беш юз бараваригача бўлган» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 46-банд билан тўлдирилсин:

«46. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти фаолиятида ахборотлаштириш қурилмалари ва хизматлари ҳамда дастурий таъминотлар хариди».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4005-сон қарорида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4095-сон қарорининг 7-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4243-сон қарори 2-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4512-сон қарори 2-бандининг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4539-сон қарори 9-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4634-сон қарори 6-банди «б» кичик бандининг иккинчи — бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4704-сон қарорининг 3-бандида:

биринчи хатбошидан «Бунда:» сўзи чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ–4742-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиладиган шахс-

лар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 83 — 101-бандлар билан тўлдирилсин:

«83. Қайта ишланган жундан кийимлар ва бошқа буюмлар тўқиш

84. Уй шароитида лойдан тандир тайёрлаш

85. Атлас ва адрас тўқиш

86. Майда мунчоқ (бисер) тикиш

87. Дўппидўзлик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш

88. Темирчилик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш

89. Асаларичилик, шунингдек, асалари уяси ва рамкаларини ясаш

90. Қуроқчилик усулида кўйлак, кўрпа ва ёпинчиқлар тикиш

91. Қўзиқоринларни териш, уй шароитларида етиштириш ва сотиш

92. Пичоқ тайёрлаш, чархлаш ва сотиш

93. Қоғоздан қутилар, бандероллар тайёрлаш

94. Уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш

95. Тайёр маҳсулотга этикетка бириктириш

96. Уй шароитида болалар ўйинчоғи ишлаб чиқариш

97. Уй шароитида супурги етиштириш ва тайёрлаш

98. Ясси оёқли болалар оёқ кийимларини тайёрлаш

99. Миллий тақинчоқлар ясаш

100. Кандакорлик, мискарлик буюмларини уй шароитида тайёрлаш

101. Дағал жундан гилам, кўрпа ва ёстиқ тайёрлаш».

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 июндаги «Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4759-сон қарорининг 1-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4889-сон қарори 3-банди «в» кичик бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 январдаги «Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4941-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4984-сон қарорининг 2-бандида:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4998-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари асосида».

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5017-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисобласин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 апрелдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5071-сон қарорининг 3-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5154-сон қарори 1-бандининг «в» кичик бандидаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» сўзлари «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 июндаги «Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5161-сон қарорининг 1-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисобласин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 июлдаги «Янги Андижон» шаҳрини барпо этиш ишларини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5180-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси» сўзлари «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5200-сон қарори 11-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5214-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–121-сон қарорининг 4-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелдаги «Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–214-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар:

касаначиларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи касаначиликдан олинадиган жами даромадни 50 фоизга, бироқ ҳисобот даврида (бир ойда) кўпи билан бир миллион сўмгача камайтирган ҳолда ҳисобланади;

касаначилар ижтимоий солиқ тўловини ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда амалга оширади;

б) Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртача даромади миқдорида бир марталик субсидия ажратилади»;

б) 3-банддан «мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022 йил 1 июлдан 2025 йил 1 январга қадар Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.

Бунда, субсидия тадбиркорлик субъекти ва туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари ўртасида тузиладиган қуйидаги шартларни назарда тутувчи ижтимоий контрактга асосан ажратилади:

тадбиркорлик субъекти томонидан касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналар ва хомашё касаначига бепул берилади;

туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари билан биргаликда касаначиларнинг иш фаолияти самарадорлигини доимий тарзда мониторинг қилади ҳамда фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар ва хомашёга ажратилган субсидияларни қайтариб олади»;

г) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 11-банддаги «Давлат солиқ қўмитасининг» сўзлари «Солиқ қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–264-сон қарорининг 1-банди биринчи хатбошисидаги «шимолий туманларда» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–436-сон қарорига 3-иловада:

26-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил октябрь» сўзлари «2024 йил июль» сўзлари билан алмаштирилсин;

61-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил июнь» сўзлари «2023 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–39-сон қарорининг 3-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «2023-2024 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–52-сон қарорига 1-илованинг 10-позицияси «Амалга ошириш муддати» устунидаги «2023 йил апрель — декабрь» сўзлари «2023-2024 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–70-сон қарорининг 6-бандидаги «Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–135-сон қарори 14-бандининг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори билан тасдиқланган 2023 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рақамли хизмат ва сервисларни жорий этиш режа-жадвалининг 33-позициясида «Электрон ҳукумат тизимлари билан интеграция қилиш муддати» ва «Синовдан ўтказиш муддати» устунлари-

даги «2023 сентябрь» сўзлари «2023 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги «Самарқанд шаҳрида «Ширин» замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–233-сон қарори 9-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги «Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–283-сон қарори 3-бандининг «б» кичик банди биринчи хатбошисидаги «икки ой муддатда» сўзлари «2023 йил 31 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–300-сон қарорига 5б-иловaнинг 4-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2023 октябрь» сўзлари «2023 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги «Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 135-сон қарорининг 7-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги «Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиққан ерларни 2021 — 2023 йилларда ўзлаштириш ва ҳудудларни экспортбоп маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 154-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

50. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги «Ҳудудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 504-сон қарорига иловада:

а) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 17-банднинг «е» кичик бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

51. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги «Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 27-сон қарорининг 2-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

*Изоҳ: мазкур иловaнинг 13-банди 2023 йил 1 декабрдан, 7 ва 40-бандлари 2024 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.*

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги
ПФ–193-сон Фармонига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5388-сон Фармонининг 8-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5721-сон Фармонининг 3-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ–5780-сон Фармонининг 23 ва 24-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6002-сон Фармони 4-бандининг «а» кичик банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6091-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги «Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6244-сон Фармонининг 2-банди ҳамда Фармонга 1-илова.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6262-сон Фармонининг 4-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–33-сон Фармонининг 4-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда улар-

нинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–53-сон Фармонининг 5-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 июндаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–150-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–189-сон Фармони 2-бандининг «г» кичик банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–21-сон Фармони 2-бандининг «а» кичик банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 мартдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–43-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги «2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–51-сон Фармонининг 6-банди.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–81-сон Фармонининг 10-банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3225-сон қарорининг 2, 31, 6, 7, 8-бандлари ва қарорга 1-илова.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4047-сон қарорининг 5-банди.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4246-сон қарори 7-бандининг «в» кичик банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4302-сон қарори 4-бандининг «в» кичик банди.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4335-сон қарори 4-бандининг «д» кичик банди.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4337-сон қарорининг 1-банди.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4406-сон қарори 7-бандининг «б» кичик банди.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги ПҚ–4426-сон қарорининг 15-банди.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4549-сон қарорининг 5-банди.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4576-сон қарорининг 2 ва 18-бандлари.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4767-сон қарорининг 3-банди ҳамда қарорга 3-илованинг 3-банди.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июлдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4776-сон қарорининг 2 ва 4-бандлари.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4798-сон қарорининг 6-банди.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4829-сон қарори 17-бандининг «б» кичик банди.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4899-сон қарори 14-бандининг «а» кичик банди.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳуду-

дини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4995-сон қарорининг 3-банди.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5009-сон қарори 1-банди «4» кичик бандининг «а» кичик банди.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 мартдаги «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5011-сон қарорининг 3-банди.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Наманган вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5084-сон қарорининг 5-банди.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5087-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди ва 2-банди.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5088-сон қарори 10-бандининг «а» кичик банди.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги «Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5212-сон қарорининг 9-банди.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5268-сон қарорининг 2 ва 5-бандлари ҳамда қарорга илова.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–144-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошиси ҳамда қарорга 3-илова.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–281-сон қарори 4-бандининг «а» кичик банди.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги «Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–43-сон қарорининг 9-банди.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 сентябрдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада қўллаб-қув-

ватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–316-сон қарори 2-бандининг «в» кичик банди.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 37-сон қарори 7-бандининг «б» кичик банди.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 433-сон қарорининг 4-банди.

45. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги «Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги 602-сон қарорининг 2-банди.

46. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 95-сон қарорининг 4-банди.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги «Ҳудудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 630-сон қарорининг 10-банди.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 428-сон қарори.

49. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 апрелдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишни такомиллаштириш ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 161-сон қарорининг 2-банди.

*Изоҳ: мазкур илованинг 10 ва 48-бандлари 2024 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 456 Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида*

Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш жараёнида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) (кейинги ўринларда — кимёвий моддалар (маҳсулотлар)) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу соҳада белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифалари юклансин.

2. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилмасида вазирликнинг умумий штатлар сони доирасида ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўлими ҳамда бўлинмалари (кейинги ўринларда — бўлим (бўлинмалар)) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар бўлимнинг (бўлинмаларнинг) асосий вазифалари этиб белгилансин:

вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда белгиланган хавфсизлик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

республика ҳудудига олиб кирилган, республика ҳудудида жойлашган объектларда сақланаётган ҳамда республика ҳудуди орқали транзит ташилаётган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) тўғрисида ягона марказлашган маълумотлар базасини яратиш ва доимий юритиб бориш;

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда юзага келадиган техноген авариялар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шунингдек, оқибатларини бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш;

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш соҳасида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

4. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

Божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳу-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

дудига олиб кириладиган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) бўйича электрон маълумот алмашинуви тизимини йўлга қўйсин;

бўлимни (бўлинмаларни) ва кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ техноген авариялар ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза гуруҳларини махсус техникалар ва зарур асбоб-анжомлар билан таъминласин.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда бир ой муддатда бўлим (бўлинмалар) ходимларини қайта тайёрлаш дастурини тасдиқласин ва уларни «Контехназоратўқув» давлат муассасаси базасида ушбу дастур асосида тайёргарликдан ўтказсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб:

республика ҳудудига олиб кирилган ҳамда белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) ва уларни олиб кирувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар Божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали Фавқулодда вазиятлар вазирлигига реал вақт режимида тақдим этиб борилади;

кимёвий моддалар (маҳсулотлар) фақат фавқулодда вазиятларнинг (ёнғинларнинг) олдини олиш ва саноат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган омборларда сақланишига рухсат берилади.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги буюртмасига асосан икки ой муддатда республика бюджети маблағлари ҳисобидан республика ҳудудига кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) олиб кирувчи субъектлар томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтказилган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) ва уларни сақлаш жойлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш имкониятига эга бўлган ахборот платформасини (кейинги ўринларда — ахборот платформаси) яратсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлашга қуйидагилар жавобгар ҳисобланади:

кимёвий моддалар (маҳсулотларни) омборга жойлаштирилгунига қадар — ташувчи;

кимёвий моддалар (маҳсулотлар) омборга жойлаштирилганда — омбор эгаси;

кимёвий моддалардан (маҳсулотлардан) фойдаланиш ва йўқ қилишда — улардан фойдаланувчи субъект.

9. 2024 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) олиб кириш, ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда белгиланган талабларга риоя этилишини доимий назорат қилишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

а) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш ин-

спекцияси кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда мазкур қарорга иловадаги* схемага мувофиқ ўзаро ҳамкорлик қилади;

б) Божхона қўмитаси кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) божхона расмийлаштирувидан ўтказади ҳамда бир кун муддатда Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кимёвий моддалар (маҳсулотлар) тури, миқдори ва уларни олиб кирувчи субъект тўғрисидаги маълумотларни Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва бошқариш миллий марказига (кейинги ўринларда — Миллий марказ) тақдим этади;

в) кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) олиб кирувчи субъектлар ушбу моддалар (маҳсулотлар) божхона расмийлаштирувидан ўтказилган куннинг ўзида ахборот платформаси орқали кимёвий моддаларнинг (маҳсулотларнинг) сақланадиган жойи (омбор) ҳақидаги маълумотларни Миллий марказга тақдим этади. Бунда, Миллий марказга тақдим этилган маълумотлар тўғрилиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) олиб кирувчи субъектнинг раҳбари зиммасига юкланади;

г) Миллий марказ кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ ҳар бир ҳаракат тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда янгилаб боради;

д) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

жойига чиққан ҳолда кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан уларнинг омборда тўғри жойлаштирилганлиги, емирувчи ёки бошқача таъсирга чидамли тарада сақланаётганлиги, шунингдек, бир-бирига ўзаро таъсир қилмаслиги ва хавфли оқибатларни келтириб чиқарувчи реакцияга киришмаслигини таъминловчи шароитлар яратилганлигини ўрганади;

ахборот платформасига киритилган маълумотларни мониторинг қилади;

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) тегишли манзилга ташиш давомида юзага келадиган техноген авариялар ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш чораларини кўради;

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилишида айбдор бўлган шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради;

манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш учун объектнинг (омборнинг) ёнғин ва саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса беради;

е) Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси:

қонунчиликда белгиланган тартибда кимёвий моддалардан (маҳсулотлардан) фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш учун объектнинг (омбор-

---

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг) саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига хулоса тақдим этади;

ж) Ички ишлар вазирлиги:

кимёвий моддалар (маҳсулотлар) тегишли манзилга хавфсиз тарзда етказилиши (ташилиши) учун қонунчиликда белгиланган тартибда кузатувни амалга оширади;

кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ техноген авариялар ва фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлаш чораларини кўради.

Бунда, кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилишда белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш республикада ишлаб чиқарилган кимёвий моддаларга (маҳсулотларга) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

10. Белгилансинки, бўлим (бўлинмалар) ҳамда кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ техноген авариялар ва фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб этиладиган радиацион, кимёвий ва тиббий-биологик муҳофаза гуруҳларини махсус техникалар ва зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, шунингдек, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик шахсларга тегишли кимёвий моддалар (маҳсулотлар) сақланадиган ёки фойдаланиладиган объектларни тўлиқ хатловдан ўтказсин;

ушбу моддаларни (маҳсулотларни) сақлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирларни белгиласин ва амалга оширсин.

12. Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда кимёвий моддаларга (маҳсулотларга) оид хавфсизлик қоидалари ва техник регламентларни хатловдан ўтказиб, уларнинг талабларини тадбиркорлик субъектлари ва бошқа масъул ташкилотларга етказсин.

13. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 15 декабрга қадар:

кимёвий моддалар (маҳсулотлар) рўйхатини (Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодлари ва номланиши асосида);

кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва йўқ қилиш устидан назоратни амалга ошириш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича асосий тадбирлар режалари асосида кимёвий моддалар (маҳсулотлар) билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш тадбирларини хавфсиз ташкил этиш бўйича кўргазмали семинар ва ўқув машқларини ўтказиб борсин.

15. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб фавқулодда вазиятлар вазири А.Х. Кулдашев белгилансин.

Қарорнинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 6 ноябрь,
ПҚ–357-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

### 457 Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3473*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ–257-сон «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор** **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 октябрь,
ҚҚ-32-сон

**Олий суд раиси** **Б. ИСЛАМОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 26 сентябрь,
750-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

**Давлат хавфсизлик хизмати раиси** **А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 октябрь,
13-сон

**Ички ишлар визири** **П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 25 сентябрь,
41-сон

**Миллий гвардия қўмондони** **Р. ДЖУРАЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 26 сентябрь,
23-сон

**Иқтисодиёт ва молия вазири** **Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 7 октябрь,
78-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 октябрдаги
32-ҚҚ-сон, Олий судининг 2023 йил 26 сентябрдаги
750-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2023 йил
7 октябрдаги 13-сон, Ички ишлар вазирлигининг
2023 йил 25 сентябрдаги 41-сон, Миллий гвардияси-
нинг 2023 йил 26 сентябрдаги 23-сон ва Иқтисодиёт
ва молия вазирлигининг 2023 йил 7 октябрдаги
78-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади) бакалавриат талабалари (бундан буён матнда талабалар деб юритилади) ва магистратура тингловчилари (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Малакавий амалиёт ва стажировка ўташнинг асосий мақсади назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини, талаба ва тингловчиларнинг қизиқиши, интилиши ва қобилиятлари инобатга олинган ҳолда уларни касбга йўналтиришни, келгусида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотларга ишга жойлашишини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**малакавий амалиёт** — талабаларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, махсус касбий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш, жиноят ишлари бўйича мустақил иш юритиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнининг бир қисми;

**стажировка** — тингловчиларда амалий кўникма ва педагогик маҳорат ҳосил қилишга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг энг долзарб масалалари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни тизимли асосда амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган амалиёт тури;

**Академиядан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбари** — Академия бошлиғининг буйруғи билан малакавий амалиётни (стажировкани) ташкил этишга масъул бўлган профессор-ўқитувчи;

**қабул қилувчи ташкилот** — талабалар (тингловчилар) томонидан малакавий амалиёт (стажировка) ўталадиган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар;

**қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбари** — талабаларда (тингловчиларда) амалий кўник-

маларни шакллантириш ва ривожлантиришга, талабаларнинг (тингловчиларнинг) малакавий амалиёт (стажировка) ўташини назорат қилишга масъул бўлган қабул қилувчи ташкилот ходими.

3. Малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ Академия томонидан ўқув режаларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, мазкур Низомнинг 1-иловасида* белгиланган шаклдаги малакавий амалиёт (стажировка) дастури асосида амалга оширилади.

4. Малакавий амалиётни (стажировканинг) ўташ муддати ва жойи малакавий амалиёт (стажировка) дастурида белгиланади.

Талабаларни (тингловчиларни) малакавий амалиётни (стажировкани) ўташдан озод қилишга йўл қўйилмайди.

5. Қабул қилувчи ташкилотлар талабани (тингловчини) малакавий амалиёт (стажировка) дастурида кўзда тутилмаган вазифаларни бажаришга жалб қилиши, шунингдек Академияни хабардор қилмаган ҳолда малакавий амалиёт (стажировка) жойини ўзгартириши ман этилади.

6. Малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ даврида талабаларда (тингловчиларда) стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

## 2-боб. Малакавий амалиётни (стажировкани) ташкил этиш

7. Малакавий амалиётни (стажировкани) самарали ташкил этиш мақсадида Академия бошлиғи томонидан малакавий амалиёт (стажировка) бошланишидан бир ой олдин буйруқ қабул қилинади.

Бунда, ушбу буйруқда малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ муддати ва жойи, малакавий амалиётга (стажировкага) юборилаётган талабалар (тингловчилар) ва Академиядан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбарларининг рўйхати белгиланади.

8. Малакавий амалиётни (стажировкани) ташкил этишга масъул бўлган факультетлар томонидан талабалар (тингловчилар) малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ муддати ва жойи, Академиядан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбарлари ҳақида буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

9. Академия томонидан малакавий амалиётга (стажировкага) юборилаётган талабалар (тингловчилар) рўйхати буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда қабул қилувчи ташкилотга юборилади.

Қабул қилувчи ташкилот малакавий амалиёт (стажировка) бошланишидан бир ҳафта олдин талабаларга (тингловчиларга) қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбарларини бириктиради.

10. Қабул қилувчи ташкилотда талабалар (тингловчилар) томонидан малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ уни ташкил этишга оид буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида бошланиши шарт.

---

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 3-боб. Малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ

11. Малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

малакавий амалиётга (стажировкага) тайёргарлик кўриш;

малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ;

малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон.

12. Қабул қилувчи ташкилот томонидан малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ бошланган куннинг ўзида Академиядан ва қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбари, талабалар (тингловчилар) иштирокида йиғилиш ўтказилади.

Бунда, ушбу йиғилишда қабул қилувчи ташкилот томонидан талабалар (тингловчилар) мазкур Низом ва малакавий амалиёт (стажировка) дастури билан таништирилади, жумладан малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг мақсад ва вазифаларига тааллуқли кўрсатмалар, уни бажариш бўйича қўлланмаларни олади, малакавий амалиёт (стажировка) даврида бажарилган ишлар бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги ҳисобот тузиш тартиби ҳақида хабардор қилинади.

13. Талабалар (тингловчилар) томонидан малакавий амалиётни (стажировкани) ўташ бошланган куннинг ўзида малакавий амалиёт (стажировка) дастурини бажариш бўйича режа-жадвал тайёрланади ва ушбу режа-жадвал қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбари томонидан тасдиқланади.

14. Талабалар (тингловчилар) қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбарининг кўрсатмаси асосида малакавий амалиёт (стажировка) дастурини бажариш бўйича режа-жадвалда белгиланган ишларни бажаради.

15. Малакавий амалиёт (стажировка) якунлангандан сўнг, талаба (тингловчи) томонидан малакавий амалиёт (стажировка) даврида бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрланади ва ушбу ҳисобот малакавий амалиёт (стажировка) якунланган куннинг ўзида қабул қилувчи ташкилотдан бириктирилган малакавий амалиёт (стажировка) раҳбари томонидан тасдиқланади.

16. Талабалар (тингловчилар) малакавий амалиёт (стажировка) даврида бажарилган ишлар бўйича ҳисоботни малакавий амалиёт (стажировка) якунланган кундан эътиборан беш кун ичида Академиянинг Ўқув-услубий бошқармасига тақдим этади.

17. Академиянинг Ўқув-услубий бошқармаси томонидан малакавий амалиёт (стажировка) якунланган кундан эътиборан ўн кун ичида талабалардан (тингловчилардан) ёзма шаклда малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон қабул қилинади.

Бунда, Академиянинг Ўқув-услубий бошқармаси томонидан талабалар (тингловчилар) малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон бошланишидан беш кун олдин ушбу имтиҳон бошланиш вақти ва жойи ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

---

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

18. Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон ўтказилаётган хонага талабалар (тингловчилар) томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда фойдаланиш, шунингдек бошқа талабалар (тингловчилар) билан суҳбатлашиш тақиқланади.

19. Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонни ўтказиш вақтида талабаларнинг (тингловчиларнинг) натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади.

Бунда, талабалар (тингловчилар) 86 — 100 баллар оралиғида балл тўпласа, унинг билими «аъло» деб, 71 —85 баллар оралиғида балл тўпласа, «яхши» деб, 56 — 70 баллар оралиғида балл тўпласа, «қониқарли» деб баҳоланади ва малакавий амалиётни (стажировкани) ўзлаштирган деб ҳисобланади.

Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижалари бўйича талабалар (тингловчилар) 55 ва ундан кам балл тўплаган ҳолларда унинг билими «қониқарсиз» деб баҳоланади ва малакавий амалиётни (стажировкани) ўзлаштирмаган деб ҳисобланади.

20. Талабаларнинг (тингловчиларнинг) малакавий амалиёт (стажировка) бўйича билимларини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) «аъло» баҳо (86 — 100 балл) олиш учун талабалар (тингловчилар):

малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

муаммоли саволларни аниқлаши, ўз ҳуқуқий позициясини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;

ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;

амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастури бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва илмий ютуқларни қўллай олиши;

б) «яхши» баҳо (71 — 85 балл) олиш учун талабалар (тингловчилар):

малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослантириши;

илмий терминологиядан (шу жумладан, хорижий тилда ҳам) аниқ фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;

ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;

стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билишини намойиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бунда бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаслиги;

малакавий амалиёт (стажировка) дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастури бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;

в) «қониқарли» баҳо (56 — 70 балл) олиш учун талабалар (тингловчилар):

давлат таълим стандартлари доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;

илмий терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;

жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, малакавий амалиёт (стажировка) дастури ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастурининг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;

малакавий амалиёт (стажировка) дастури бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;

г) «қониқарсиз» баҳо (0 — 55 балл) олиш учун талабалар (тингловчилар):

саволларга жавоб бера олмаса, савол мазмуни ва хусусиятларини тушунмаса, савол ва фан мавзуси тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса, эгаллаган кўникмаларни амалиётда қўллай олмаса;

малакавий амалиёт (стажировка) дастури бўйича етарли билимга эга бўлмаса, фақат айрим билимларга эга бўлса, зарур далиллар билан асослантира олмаса;

терминологиядан аниқ, ўз ўрнида фойдалана олмаса, саволларга жавобни тўғри ифодалай олмаса;

муаммоли ҳолатларда ўз позициясини ифодалай олмаса.

21. Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижалари у ўтказилган куннинг ўзида талабаларга (тингловчиларга) эълон қилинади ва Академиянинг Ўқув-услубий бошқармаси раҳбари томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

22. Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонда узрли саба-

бларга кўра (касаллиги, йўл-транспорт ҳодисаси, яқин қариндошининг вафоти, никоҳ тузиш, фарзанд туғилиши сабабли) иштирок этмаган ёки унда «қониқарсиз» баҳоланган талабалар (тингловчилар) малакавий амалиёт (стажировка) якунланган кундан эътиборан икки ой муддат ичида ўз аризасига мувофиқ малакавий амалиётни (стажировкани) қайта топшириш ҳуқуқига эга.

## 4-боб. Талабаларнинг (тингловчиларнинг) апелляция шикоятларини кўриб чиқиш

23. Талабаларнинг (тингловчиларнинг) апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Академия бошлиғининг буйруғи билан Академиянинг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонни ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

24. Малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижаларидан норози бўлган талаба (тингловчи) мазкур имтиҳонлар натижалари эълон қилинган кундан бошлаб етти иш куни ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти бериши мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган талабани (тингловчини) шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

25. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган талаба (тингловчи) мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

26. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

27. Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятини кўриб чиқиш давомида талабага (тингловчига) уни қайта баҳолашга қаратилган саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

28. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш.

Апелляция шикоятини кўришда талабанинг (тингловчининг) малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижасида олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

29. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган

талабага (тингловчига) ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

30. Апелляция комиссиясининг малакавий амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳон натижаларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарори асосида талаба (тингловчи) малакавий амалиётни (стажировкани) ўзлаштирган деб ҳисобланади.

31. Апелляция комиссияси қарори устидан талаба (тингловчи) юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

## 5-боб. Якунловчи қоида

32. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 458 Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг миқдори ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шаклини тасдиқлаш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3474***

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг миқдори ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 13 октябрь,
40-сон

*Келишилди:*

***Ички ишлар вазири*** **П. БОБОЖОНОВ**

*2023 йил 16 сентябрь*

***Иқтисодиёт ва молия вазири*** ***Д. КУЧКАРОВ***

*2023 йил 11 октябрь*

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 10 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил
13 октябрдаги 40-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг миқдори ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг**
**ШАКЛИ**

**Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати ва тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг**
**МИҚДОРИ**

| Т/р | Қорақалпоғистон Республикаси |
|---|---|
| 1. | Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Амударё туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Беруний туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Элликқалъа туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Нукус туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Тахиатош туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Кегейли туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Қўнғирот туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Қонликўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Шуманай туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 13. | Хўжайли туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Тахтакўпир туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Қораўзак туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Бўзатов туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 17. | Чимбой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Тошкент шаҳри** | |
| 1. | Бектемир туман тиббиёт бирлашмаси |
| 2. | Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси |
| 3. | Миробод туман тиббиёт бирлашмаси |
| 4. | Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси |
| 5. | Сергели туман тиббиёт бирлашмаси |
| 6. | Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси |
| 7. | Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси |
| 8. | Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмаси |
| 9. | Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси |
| 10. | Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси |
| 11. | Янгихаёт туман тиббиёт бирлашмаси |
| 12. | Яшнобод туман тиббиёт бирлашмаси |
| **Андижон вилояти** | |
| 1. | Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Хонобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Андижон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Асака туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Бўстон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Балиқчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Улуғнор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Олтинкўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 11. | Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Пахтаобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Марҳамат туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Жалақудуқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Қўрғонтепа туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 17. | Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Бухоро вилояти** | |
| 1. | Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Олот туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Қоракўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Жондор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Когон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Қоровулбозор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Пешку туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| **Жиззах вилояти** | |
| 1. | Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Арнасой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Бахмал туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Ғаллаорол туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Ш.Рашидов туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Зомин туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Зарбдор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Зафаробод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Пахтакор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Фориш туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Янгиобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Қашқадарё вилояти** | |
| 1. | Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Шаҳрисабз шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Қарши туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Косон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Муборак туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Касби туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Нишон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 9. | Ғузор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Қамаши туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Чироқчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Кўкдала туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Яккабоғ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Китоб туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Деҳқонобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Навоий вилояти** | |
| 1. | Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Кармана туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Нурота туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Навбаҳор туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Конимех туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Томди туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Ғазгон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Наманган вилояти** | |
| 1. | Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 3. | Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Давлатобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Наманган туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Норин туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Поп туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Учқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Чуст туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Янги Наманган туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Самарқанд вилояти** | |
| 1. | Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Каттақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Нуробод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 11. | Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Тайлоқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Ургут туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| | **Сирдарё вилояти** |
| 1. | Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Боёвут туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Ховос туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Оқолтин туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| | **Сурхондарё вилояти** |
| 1. | Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Ангор тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Бойсун туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Денов туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 5. | Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Музработ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Олтинсой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Сариосиё туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Термиз туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Узун туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Шўрчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Бандихон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Тошкент вилояти** | |
| 1. | Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Нурафшон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Бекобод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Бўка туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Чиноз туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 13. | Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Қуйичирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Оққўрғон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 17. | Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 18. | Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 19. | Паркент туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 20. | Пискент туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 21. | Юқоричирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 22. | Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Фарғона вилояти** | |
| 1. | Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Бағдод туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Бувайда туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Данғара туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Ёзёвон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Риштон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Сўх туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

| | |
|---|---|
| 13. | Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 14. | Учкўприк туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 15. | Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 16. | Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 17. | Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 18. | Қува туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 19. | Қўштепа туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| **Хоразм вилояти** | |
| 1. | Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 2. | Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 3. | Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 4. | Янгиариқ тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 5. | Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 6. | Гурлан тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 7. | Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 8. | Хива тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 9. | Хива шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 10. | Қўшкўпир тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 11. | Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 12. | Шовот туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |
| 13. | Хазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси |

*Изоҳ: Давлат соғлиқни сақлаш органлари томонидан қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувни ўтказганлик учун тариф базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида белгиланади.*

**Қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширув натижаларига доир ХУЛОСА**

*Намуна*

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Тиббий текширувни ўтказган тиббиёт муассасаси номи | |
| 2. | Тиббий текширувдан ўтказилган шахснинг | |
| а) | фамилияси, исми, отасининг исми | |
| б) | шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси) серияси, рақами ва уни берган ташкилот, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) | |
| в) | туғилган санаси | |
| г) | юридик шахс номи (юридик шахснинг ходими тиббий текширувдан ўтказилганда) | |
| 3. | Тиббий текширув натижаларига доир хулоса | |
| 4. | Хулосани бериш учун асос бўлган амбулатория картасининг санаси ва тартиб рақами | |
| 5. | Тиббий хулоса юбориладиган ички ишлар органи номи | |
| 6. | Хулосанинг амал қилиш муддати | |
| 7. | Тиббий комиссия раҳбарининг Ф.И.О. ва лавозими | |
| 8. | Тиббий комиссия раҳбарининг имзоси | |
| 9. | Рўйхат рақами | |
| 10. | Берилган сана | |

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING BUYRUG‘I

## 459 Daryo transportini texnik ishlatish qoidalari, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 10-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 990-7*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 11-sentabrdagi 462-son “O‘zbekiston Respublikasi kemachiligi sohasida xavfsizlikni ta’minlashga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Suv xo‘jaligi vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi, Tog‘-kon sanoati va geologiya vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Kengashi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **I. MAXKAMOV**

Toshkent sh.,
2023-yil 26-oktabr,
26-son

*Kelishildi:*

***Suv xo‘jaligi vaziri*** ***Sh. XAMRAYEV***

*2023-yil 23-oktabr*

***Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vaziri*** ***B. MUSAYEV***

*2023-yil 19-oktabr*

***Raqamli texnologiyalar vaziri*** ***Sh. ShERMATOV***

*2023-yil 11-oktabr*

***Tog‘-kon sanoati va geologiya vaziri*** ***B. ISLAMOV***

*2023-yil 5-oktabr*

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 13-noyabrda e’lon qilingan.

*Davlat xavfsizlik*
*xizmati raisi* *A. AZIZOV*

*2023-yil 24-oktabr*

*O'zbekiston kasaba uyushmalari*
*Federatsiyasi raisi* *K. RAFIKOV*

*2023-yil 3-oktabr*

O‘zbekiston Respublikasi
transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi
26-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar**
**RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘i tomonidan 2000-yil 30-noyabrda 01/960-son bilan tasdiqlangan Daryo transportini texnik ishlatish qoidalari (ro‘yxat raqami 990, 2000-yil 6-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo‘mitalari va idoralari normativ hujjatlari axborotnomasi, 2000-yil, 23 son).

2. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2011-yil 25-fevraldagi 33-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-1, 2011-yil 5-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 10-11-son, 107-modda).

3. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2012-yil 8-avgustdagi 142-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-2, 2012-yil 7-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 36-son, 420-modda).

4. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2013-yil 26-martdagi 56-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-3, 2013-yil 25-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 17-son, 232-modda).

5. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2015-yil 21-maydagi 30-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-4, 2015-yil 26-may) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y, 21-son, 282-modda).

6. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2016-yil 15-dekabrdagi 50-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-5, 2016-yil 21-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 51-son, 592-modda).

7. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2019-yil 7-martdagi 2-son “Daryo transportini texnik ishlatish qoidalariga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 990-6, 2019-yil 25-mart) (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 25.03.2019-y., 10/19/990-6/2817-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING BUYRUG‘I

# 460 “Daryo transportida yuk tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruq, shuningdek, unga o‘zgartirishni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 10-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2468-2*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 11-sentabrdagi 462-son “O‘zbekiston Respublikasi kemachiligi sohasida xavfsizlikni ta’minlashga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **I. MAXKAMOV**

Toshkent sh.,
2023-yil 26-oktabr,
27-son

*Kelishildi:*

***Iqtisodiyot va moliya vaziri*** ***D. KUChKAROV***

*2023-yil 12-oktabr*

***Davlat xavfsizlik xizmati raisi*** ***A. AZIZOV***

*2023-yil 24-oktabr*

***Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi raisi*** ***Sh. ShARAXMETOV***

*2023-yil 6-oktabr*

---

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 13-noyabrda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi
27-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar**
**RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2013-yil 26-apreldagi 76-son “Daryo transportida yuk tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2468, 2013-yil 13-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 24-son, 320-modda).

2. O‘zbekiston avtomobil va daryo transporti agentligi boshlig‘ining 2016-yil 10-iyundagi 44-son “Daryo transportida yuk tashish qoidalariga o‘zgartirish kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2468-1, 2016-yil 20-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 25-son, 314-modda).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

## 461 Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 10-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3475*

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni va Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 2-sentabrdagi 690-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq **buyuraman:**

1. Statistika hisoboti shakllari 1 — 72-ilovalarga** muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2022-yil 16-noyabrdagi 23-mb-son “Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3401, 2022-yil 12-dekabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi 13.12.2022-y., 10/22/3401/1088-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq 2024-yil 1-yanvardan kuchga kiradi.

**Direktor** **B. BEGALOV**

Toshkent sh.,
2023-yil 9-oktabr,
39-mb-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 14-noyabrda e’lon qilingan.
** 1 — 72-ilovalar «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТИ

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 7 октябрдаги 32-ҚҚ-сон, Олий судининг 2023 йил 26 сентябрдаги 750-сон, Давлат хавфсизлик хизматининг 2023 йил 7 октябрдаги 13-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 25 сентябрдаги 41-сон, Миллий гвардиясининг 2023 йил 26 сентябрдаги 23-сон ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 7 октябрдаги 78-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабалари ва тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ҳамда стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2023 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3473.***

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 13 октябрдаги 40-сон «Давлат соғлиқни сақлаш органларининг қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтказишни амалга оширишга рухсат берилган тиббиёт муассасалари рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифнинг миқдори ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3474.***

3. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi 26-son «Daryo transportini texnik ishlatish qoidalari, shuningdek unga o‘zgartirish va qo‘shimchalarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida»gi buyrug‘i.

***2023-yil 10-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 990-7.***

4. O‘zbekiston Respublikasi transport vazirining 2023-yil 26-oktabrdagi 27-son «Daryo transportida yuk tashish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida»gi buyruq, shuningdek, unga o‘zgartirishni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida»gi buyrug‘i.

***2023-yil 10-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2468-2.***

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директорининг 2023 йил 9 октябрдаги 39-мб-сон «Статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2023 йил 10 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3475.***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи томонидан 2000 йил 30 ноябрда 01/960-сон билан тасдиқланган Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари (рўйхат рақами 990, 2000 йил 6 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 990-1, 2011 йил 5 март), (рўйхат рақами 990-2, 2012 йил 7 сентябрь), (рўйхат рақами 990-3, 2013 йил 25 апрель), (рўйхат рақами 990-4, 2015 йил 26 май), (рўйхат рақами 990-5, 2016 йил 21 декабрь), (рўйхат рақами 990-6, 2019 йил 25 март).

***2023 йил 10 ноябрда давлат реесридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 26 апрелдаги 76-сон «Дарё транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2468, 2013 йил 13 июнь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2468-1, 2016 йил 20 июнь).

***2023 йил 10 ноябрда давлат реесридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**